



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИННИГ ҚАРОРИ

№ 989

2019 йил «26» ноябрь

### **Хорижда истиқомат қилаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайловга оид ҳуқуқларини таъминлаш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан хорижда истиқомат қилаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайловга оид ҳуқуқларини тўлиқ таъминлашга доир тадбирлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ҳузурида 55 та сайлов участкалари ташкил этилди ва улар Тошкент шаҳрида тузилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари сайловини ўтказувчи 12 та сайлов округларига бириктирилди.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ҳузурида сайлов участкаларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиqlаниб, хорижий давлатларда истиқомат қилаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайловга оид ҳуқуқларини тўлақонли рўёбга чиқаришнинг ҳуқуқий асослари яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг расмий веб-сайти орқали хорижда яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини сайловчилар рўйхатига киритиш тўғрисида электрон шаклда мурожаат қилиш имконияти яратилди.

Хорижда яшаётган фуқароларнинг сайловга оид билимларини ошириш учун “Saylov 2019” мобил иловаси, сайловчиларга уларнинг сўровлари асосида қўшимча ахборот бериш мақсадида Марказий сайлов комиссиясининг “Ишонч телефони” (+99855-502-44-44) ишга туширилди.

Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексининг 14 ва 16-моддаларига мувофиқ ҳамда хорижда истиқомат қилаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайловга оид ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

## **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири А.Камиловнинг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналар ва консулийк муассасаларда сайловларни ташкил этиш борасида амалга оширилган ишлар ҳақидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Хорижий давлатлардаги Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ва бошқа ваколатхоналарида 2019 йил 22 декабрда бўладиган сайловларни самарали ташкил этиш бўйича Ҳаракатлар режаси иловага мувофиқ тасдиқлансан.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари билан ҳамкорликда хорижий давлатларга чиқиб кетган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг рўйхатини аниқлаштирун ҳамда ушбу маълумотларни Ташқи ишлар вазирлиги ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига тақдим қилсан.

Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги хорижий давлатларга чиқиб кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тўғрисидаги маълумотлар асосида “Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати” ахборот тизимига тегишли тузатишлар киритсан.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги хорижий давлатларда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари учун муддатидан олдин ва сайловчилар турган жойда кўчма сайлов қутиларда овоз беришни ташкил этишга қўмаклашиш ва рухсат бериш масаласида зарур ҳолларда хорижий давлатларнинг ваколатли давлат органлари ёки бошқа ташкилотлари билан ҳамкорлик қилсан.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси, Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги, “Дунё” ахборот агентлиги билан биргаликда хорижда истиқомат қилаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сайловга оид хуқуқларини таъминлаш масалаларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борилишини таъминласин, шу жумладан хорижий давлатларда истиқомат қилаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини муддатидан олдин ва хориждаги сайлов участкаси биносидан ташқарида кўчма сайлов қутилари орқали овоз бериш тартиби тўғрисида оммавий ахборот воситалари, ижтимоий тармоқлар ва мобил мессенжерлар орқали хабардор қилсан.

6. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Котибияти Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда хорижий давлатларда тузилган сайлов участкаларини сайловга оид хужжатлар, адабиётлар ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш масаласини ўз вақтида ҳал қилсан.

7. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

8. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари М. Истамов зиммасига юклансин.

**Раис**

**М. Абдусаломов**

# Харакатлар режасига 1-илова

**да жойлашган \_\_\_\_-сон хориждаги саллов участкасининг  
бирламчи салловчилар рўйхати**

Ҳаракатлар режасига  
2-илова

*Кўчма сайлов қутисини пломбалаш тўғрисида  
далолатнома намунаси*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов  
ўтказувчи \_\_\_\_-сон хориждаги участка сайлов комиссиясининг  
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

20\_\_ йил \_\_ декабрь

Тошкент шахри

Қатнашдилар: Участка сайлов комиссияси аъзолари

Ушбу далолатнома сайлов кўчма қутисини пломбалаш тўғрисида.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартиб асосида сайловчиларнинг турган жойида муддатидан олдин овоз бериш бўйича кўчма қутиси қўйидаги пломбалар билан:

1. \_\_\_\_\_-сонли;
2. \_\_\_\_\_-сонли;
3. \_\_\_\_\_-сонли;
4. \_\_\_\_\_-сонли;
5. \_\_\_\_\_-сонли пломбалар билан пломбаланди.

\_\_\_\_\_-Участка сайлов комиссияси аъзоси:

\_\_\_\_\_

(Ф.И.О)

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_-Участка сайлов комиссияси аъзоси:

\_\_\_\_\_

(Ф.И.О)

\_\_\_\_\_

(имзо)

Харакатлар режасига  
3-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ДЕПУТАТЛАРИ САЙЛОВИ  
ВЫБОРЫ В ЗАКОНОДАТЕЛЬНУЮ ПАЛАТУ ДЕПУТАТЫ ОЛИЙ МАЖЛИСА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТИДАН КЎЧИРМА

— - Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайлов округи

— - избирательный округ по выборам депутатов Законодательной палаты Олий Мажлиса

20\_\_ йил \_\_\_\_\_  
(сайлов санаси)

20\_\_ года  
(дата выборов)

—-СОН ХОРИЖДАГИ САЙЛОВ УЧАСТКАСИ

ИЗБИРАТЕЛЬНЫЙ УЧАСТОК ЗА РУБЕЖОМ \_\_\_\_\_

(Муддатидан олдин овоз берини ўтказиш жойи )  
(место проведения досрочного голосования)

T/p	Фамилияси, исми, отасининг исми	Тугилган санаси	Паспорт серияси ва рақами	Қонунчилик палатасига сайлов бўйича бюллетенини олганлиги хақидаги имзоси
П/п	Фамилия, имя, отчество	Дата рождения	Серия и номер паспорта	Подпись избирателя о получении избирательного бюллетеня по выборам в Законодательную палату
1.				
2.				
3.				
4.				
5.				

T/p	Фамилияси, исми, отасининг исми	Туғилган санаси	Паспорт серияси ва рақами	Қонунчилик палатасига сайлов бўйича бюллетенини олганлиги хақидаги имзоси
П/п	Фамилия, имя, отчество	Дата рождения	Серия и номер паспорта	Подпись избирателя о получении избирательного бюллетеня по выборам в Законодательную палату
6.				
7.				
8.				
9.				
10.				
11.				
12.				
13.				
14.				
15.				
16.				

—Участка сайлов комиссияси аъзоси: \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О)

\_\_\_\_\_  
(имзо)

—Участка сайлов комиссияси аъзоси: \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О)

\_\_\_\_\_  
(имзо)

Харакатлар режасига  
4-илова

*Участка сайлов комиссиясида сайлов  
бюллетенларини комиссия аъзоларига  
тақсимлаб берииш далолатномасининг намунаси*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов  
ўтказувчи \_\_\_\_-сон хориждаги участка сайлов комиссиясининг**

**ДАЛОЛАТНОМАСИ**

20\_\_ йил \_\_ декабрь  
шахри

Тошкент

Ушбу далолатнома участка сайлов комиссияси раиси ва аъзоси ўртасида  
сайлов бюллетенларини топшириш ва қабул қилиб олиш түғрисида тузилди.

Қўйидаги:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси  
сайлови бўйича \_\_\_\_\_ та сайлов бюллетенларини топширилди ва қабул қилиб  
олинди.

\_\_\_\_\_-Участка сайлов комиссияси раиси: \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О)

Топширдим  
\_\_\_\_\_  
(имзо)

\_\_\_\_\_-Участка сайлов комиссияси аъзоси: \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О)

Қабул қилдим  
\_\_\_\_\_  
(имзо)

*Сайлов бюллетени солинган махсус қопни  
пломбалаши түгрисида далолатнома намунаси*

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов  
ўтказувчи \_\_\_\_-сон хориждаги участка сайлов комиссиясининг  
ДАЛОЛАТНОМАСИ**

20\_\_ йил \_\_ декабрь  
шахри

Тошкент

Катнашдилар:

Участка сайлов комиссияси аъзолари

Ушбу далолатнома сайлов бюллетени солинган махсус қопни пломбалаш  
түгрисида.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан  
белгиланган тартиб асосида сайловчиларнинг турган жойида муддатидан олдин  
овоз бериш бўйича сайлов бюллетенлари солинган махсус қопларни қўйидаги  
пломбалар билан:

1. \_\_\_\_\_-сонли;
2. \_\_\_\_\_-сонли;
3. \_\_\_\_\_-сонли;
4. \_\_\_\_\_-сонли;
5. \_\_\_\_\_-сонли пломбалар билан пломбаланди.

—**Участка сайлов комиссияси аъзоси:**

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.О)

\_\_\_\_\_  
(имзо)

—**Участка сайлов комиссияси аъзоси:**

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.О)

\_\_\_\_\_  
(имзо)

—**Участка сайлов комиссияси раиси:**

\_\_\_\_\_  
(Ф.И.О)

**Кабул қилдим**

\_\_\_\_\_  
(имзо)

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий сайлов комиссиясининг  
2019 йил 26 ноябрдаги 989-сон қарорига  
ИЛОВА

**Хорижий давлатлардаги Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ва бошқа ваколатхоналарида**  
**2019 йил 22 декабрда бўладиган сайловларни самарали ташкил этиш бўйича**  
**ҲАРАКАТЛАР РЕЖАСИ**

Ҳаракатлар кетма-кетлиги	Ҳаракатлар номи	Бажариш муддати (вақти)	Масъул ижрочилар
<b>I. Сайловчилар рўйхатини тузиш ва сайловгага тайёргарлик кўриши</b>			
<b>Сайловчиларнинг бирламчи рўйхатини тузиш</b>	<p>1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази (ДПМ) хорижий давлатларга чиқиб кетган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тўғрисидаги маълумотларни мамлакатлар кесимида шакллантиради ҳамда Ташқи ишлар вазирлиги (ТИВ) ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигига (АКТ вазирлиги) электрон шаклда тақдим этади.</p> <p>2. АКТ вазирлиги ТИВ томонидан тақдим қилинган консуллик округлар бўйича масъул дипломатик ва бошқа ваколатхоналар рўйхати асосида сайловчиларни хорижий давлатларда тузилган сайлов участкалари бўйича тақсимлайди ва “Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати”га тегишли тузатишларни киритади.</p> <p>3. Мазкур тақсимот асосида сайловчилар рўйхати ТИВнинг ҳимояланган тармоқлари, шу жумладан дипломатик почта орқали электрон шаклда хорижий давлатларда тузилган сайлов участкаларига етказиб берилади.</p> <p>4. Хорижий давлатларда тузилган участка сайлов комиссиялари (Хориждаги УСК) тақдим қилинган маълумотлар асосида 1-иловага мувофиқ электрон шаклда сайловчиларнинг бирламчи рўйхатини тузади.</p>	27 ноябрь	ТИВ, ДПМ, АКТ вазирлиги
<b>Сайловчилар рўйхатлари тўғрисида сайловчиларни хабардор этиш</b>	<p>1. Фуқароларга хориждаги УСКларнинг биноларида сайловчиларнинг бирламчи рўйхати билан электрон тарзда танишиш имконияти яратилади.</p> <p>2. Хориждаги участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг бирламчи рўйхати билан танишиш усуллари, жойи, вақти ва сайловчилар рўйхатида йўқ фуқароларни унга киритиш тартиби тўғрисида дипломатик ваколатхоналарнинг расмий веб-сайтлари орқали сайловчиларни хабардор этади.</p>	27 ноябрдан 7 декабргача	ТИВ

<b>Сайловчилар рўйхатларини аниқлаштириш</b>	<p>Хориждаги УСК лар қуидаги усуллар орқали сайловчиларнинг бирламчи рўйхатига ўзгартишлар киритади:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>– сайловчиларнинг сайлов участкаларига берилган ёзма шаклда ёхуд ТИВнинг расмий веб-сайти (<a href="http://saylov.mfa.uz">saylov.mfa.uz</a>) орқали электрон шаклда берилган мурожаатлари асосида. Бунда электрон шаклда мурожаат қилган сайловчилар ҳақидаги маълумотлар ТИВ томонидан тақдим этилади;</li> <li>– хориждаги УСКга берилган мурожаатлар ва мавжуд бошқа маълумотлар асосида.</li> </ul>	27 ноябрдан 7 декабргача	ТИВ, ДПМ, АКТ вазирлиги
<b>Сайловчиларнинг якуний рўйхатини тузиш</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Хориждаги УСК лар аниқлаштирилган сайловчилар рўйхатини ТИВ ва МСК га тақдим қиласди.</li> <li>2. ТИВ ўз навбатида УСКлардан олинган сайловчиларнинг якуний рўйхатини умумлаштирилган ҳолда ДПМга Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатига тегишли тузатишлар киритиш учун тақдим қиласди.</li> <li>3. ДПМ ҳамда АКТ вазирлиги билан ҳамкорликда Сайловчилар ягона электрон рўйхатига тегишли тузатишлар киритади.</li> </ol>	7 декабрь  8 декабрь  9 декабрь	ТИВ, ДПМ, АКТ вазирлиги
<b>Сайлов бюллетеңларини етказиш</b>	<ol style="list-style-type: none"> <li>1. Округ сайлов комиссиялари (ОСК) хорижий участкалар томонидан тақдим килинган сайловчиларнинг якуний рўйхати асосида сайлов бюллетеңларини ТИВга сайловчилар рўйхатининг умумий сонидан келиб чиқсан ҳолда 100,5 фоизда етказиб беради.</li> <li>2. ТИВ сайлов бюллетеңларини хориждаги УСКларга етказилишини таъминлайди (МДҲ давлатларидан ташқари).</li> <li>3. МДҲ давлатларига сайлов бюллетеңларини етказилишини АКТ вазирлиги Давлат фельдъегерлик хизмати таъминлайди.</li> <li>4. Сайлов бюллетеңи ўнг томонининг юқори бурчагига хориждаги УСКнинг икки аъзоси имзо қўяди ва имзолар хориждаги УСК муҳри билан тасдиқланади.</li> </ol>	7 декабрь  8-11 декабрь  11 декабрь	ОСК, ТИВ, АКТ вазирлиги, МСК Котибияти, “Uzbekistan airways” АЖ, “Uzbekistan airports” АЖ
<b>Хориждаги УСК таркибини қайта кўриш</b>	Хориждаги сайлов участкасидан муддатидан олдин кўчма сайлов қутиси билан овоз беришни ташкил этиш йўналишлари сони ва ҳар бир йўналишда икки нафардан аъзо бориши ҳамда хориждаги сайлов участкасида доимий равишда камида икки нафар аъзоси ҳозир бўлиш зарурлигини инобатга олган ҳолда хориждаги УСК аъзолари сонини зарурат бўлганда кўпайтирилади (5-19 нафар оралиғида).	11 декабргача	ТИВ, ОСК

## II. Сайлов куни овоз беришни ташкил этиш

<b>Сайлов участкасини очиш</b>	<p>Сайлов куни овоз бериш биносида:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>– участка сайлов комиссияси аъзоларининг учдан икки кисми ҳозир бўлганда очилади;</li> <li>– Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадхияси ижро этилади.</li> </ul>	22 декабрь соат 8:00 (маҳаллий вақт билан)	Хориждаги УСК, ОАВ, ФЎЎБОФМ Республика кенгаси
--------------------------------	--	--	---

<b>Овоз бериш бошланганлигини эълон қилиш</b>	Участка сайлов комиссияси аъзолари ва кузатувчилар ҳозирлигига: – сайлов участкасидаги сайловчилар сони; – олинган сайлов бюллетенларнинг сони; – муддатидан олдин овоз берганлар сонини маълум қиласи.	22 декабрь соат 8:00 дан сўнг (м.в.)	Хориждаги УСК, ОАВ, ФЎЎБОФМ Республика кенгаши
<b>Овоз беришни ташкил этишга тайёргарлик кўриш</b>	Участка сайлов комиссияси аъзолари ва кузатувчилар ҳозирлигига: – сайлов қутиларининг бўшлигини текширади; – сайлов қутиларини бир маротаба ишлатиладиган пластмасса пломбалар билан пломбалайди; – пломбалар рақами кўрсатилган ҳолда далолатнома тузади; – комиссия аъзоларига: а) овоз бериш кунидаги вазифаларни; б) далолатнома асосида сайлов бюллетенларини; в) сайловчилар рўйхатини тақсимлади.	22 декабрь соат 8:00 дан кейин (м.в.)	Хориждаги УСК, ОАВ, ФЎЎБОФМ Республика кенгаши
<b>Сайловчиларни рўйхатга олиш ва сайлов бюллетени бериш</b>	1. Хориждаги участка сайлов комиссиялари овоз беришни дипломатик ваколатхоналардаги ички тартиб-қоидалари, режими ва уларнинг бошқа ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда ташкил этади. 2. Фуқаролар дипломатик ваколатхона ички-тартиб қоидалари ва режимидан келиб чиқсан ҳолда, овоз бериш хонасига киритилади. 3. Сайловчи хориждаги участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи хужжатни кўрсатади (паспорт – нобиометрик, биометрик, хорижга чиқиш ва дипломатик; Ўзбекистон Республикасига қайтиш гувоҳномаси). 4. Сайловчилар шахсини тасдиқловчи хужжат асосида идентификация қилинади ҳамда сайловчилар рўйхатининг электрон шаклига сайловчи овоз бергани тўғрисида хорижий УСК аъзоси томонидан ёзув киритилади. 5. Сайловчилар рўйхатидан кўйилмага сайловчи томонидан имзо қўйилганидан кейин унга сайлов бюллетени берилади ва яширин овоз бериш кабинасида овоз бериш имконияти яратилади. 6. Бузиб қўйилган сайлов бюллетени сайловчининг илтимосига кўра янгисига алмаштирилиши мумкин. Бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари ҳисобга олиниши, овозларни санаб чиқиш жараёнида бекор қилиниши (юқори чап бурчагини кесиш ёки сайлов бюллетенининг орқа томонида тегишли белги қўйиш йўли билан) ва алоҳида сақланиши лозим.	22 декабрь соат 8:00-20:00 (м.в.)	Хориждаги УСК, ОАВ, ФЎЎБОФМ Республика кенгаши
<b>Овоз бериш якунланганлигини эълон қилиш</b>	1. Участка сайлов комиссияси раиси ёки раис ўринбосари соат 20:00 да овоз бериш якунланганлигини эълон қиласи. 2. Сайлов участкаси биносида ҳозир бўлган сайловчиларга овоз беришни тугаллаши учун имконият берилади (агар сайловчилар бор бўлса).	22 декабрь соат 20:00 да (м.в.)	Хориждаги УСК

### III. Хорижий сайлов участкасида муддатидан олдин овоз бериш

<b>1-ҳаракат</b>	Округ сайлов комиссияси томонидан хориждаги УСКларда муддатидан олдин овоз беришни ўтказиш вақтини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилинади.	7 декабрь	ОСК, МСК Котибияти
<b>2-ҳаракат</b>	<p>Хориждаги УСКлар томонидан муддатидан олдин овоз бериш вақти ва жойи тўғрисидаги қарор қабул қилинади ҳамда бу маълумотларни ТИВ, дипломатик ва бошқа ваколатхоналарнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.</p> <p>Ушбу маълумотлар сайловчилар мурожаатлари ёки хориждаги УСКларда мавжуд бошқа маълумотларга асосида тузилади ва хорижий давлатнинг ваколатли давлат идораси, сайлов ўтказиладиган жой (корхона, ташкилот, муассаса) маъмурияти билан олдиндан келишилади.</p>	7-19 декабрь	Хориждаги УСК, МСК
<b>3-ҳаракат</b>	Хориждаги УСК томонидан муддатидан олдин овоз бериш тўғрисида ахборот хорижий ОАВ орқали (маҳаллий шароитларни инобатга олиб) ва бошқа йўллар билан сайловчилар хабардор қилинади.	7-19 декабрь	АОКА, ЭОАВМА, МТРК, “Дунё” АА
<b>4-ҳаракат</b>	<p>Хориждаги сайлов участкаси <u>биносида</u> муддатидан олдин овоз бериш:</p> <ul style="list-style-type: none"> <li>– сайловчи сайлов бюллетенини олганлиги ҳақида тегишли участка сайлов комиссиясининг камидаги икки нафар аъзоси хозирлигига сайловчилар рўйхати кўчирмасига имзо қўяди;</li> <li>– сайловчи сайлов бюллетенини махсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида сайловчи томонидан тўлдирилади;</li> <li>– сайловчи тўлдирилган сайлов бюллетенини ёпиқ конвертда қолдиради;</li> <li>– конвертнинг елимланган жойига участка комиссиясининг икки нафар аъзосининг имзолари қўйилиб, улар комиссиянинг мухри ва овоз берувчининг имзоси билан тасдиқланади;</li> <li>– конверт тегишли участка сайлов комиссиясининг сейфида сақланади.</li> </ul>	12-19 декабрь	Хориждаги УСК
<b>5-ҳаракат</b>	Муддатидан олдин кўчма сайлов қутисида овоз берадиган жойни сайлов ўтказиш учун зарурий инвентарлар (кўчма сайлов қутиси, яширин овоз бериш имкониятини таъминлайдиган кўчма сайлов кабинаси, стол устига қўйиладиган Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи, стол, стул, ноутбук (планшет), флеш қурилма номзодларнинг таржимаси ҳоли ва дастури акс этган плакатлар, муддатидан олдин овоз бериш вақти ва жойи тўғрисидаги хориждаги УСК қарори нусхаси) билан жиҳозлаш.	Муддатидан олдин овоз бериш бошланишидан олдин	Хориждаги УСК
<b>6-ҳаракат</b>	Сайловчилар зич ҳолда яшайдиган, ишлайдиган ёки ўқийдиган сайловчиларнинг турган жойида кўчма сайлов қутисида муддатидан олдин овоз бериш хориждаги УСКнинг камидаги икки нафар аъзоси иштирокида бино ва хоналарда ташкил этилади.	Муддатидан олдин овоз бериш куни	Хориждаги УСК, АҚТ вазирлиги

	<p>Хориждаги УСК аъзоларида олдиндан пломбаланган кўчма сайлов қутиси ва кутининг пломбаланганилиги тўғрисида пломба рақами кўрсатилган далолатнома (2-иловага мувофиқ), полиэтилен қоп, пломба, УСКнинг мухри ва 2 нафар аъзоси имзоси қўйилган сайлов бюллетенлари, сайловчилар рўйхатининг кўчирмаси (сайловчилар сайлов бюллетени олганлиги ҳакида имзо қўйиши учун) (3-иловага мувофиқ), сайловчилар рўйхатининг электрон шакли (ноутбук ёки бошқа техника воситасида) мавжуд бўлиши керак.</p> <p>Муддатидан олдин кўчма сайлов қутисида овоз беришни ташкил этаётган хориждаги УСК аъзоларига сайлов бюллетенлари далолатнома (4-иловага мувофиқ) асосида топширилади.</p>		
7-ҳаракат	<p>Сайловчилар шахсини тасдиқловчи хужжат асосида (паспорт – нобиометрик, биометрик, хорижга чиқиш ва дипломатик; Ўзбекистон Республикасига қайтиш гувоҳномаси) идентификация қилинади ҳамда сайловчилар рўйхатининг электрон шаклига сайловчи муддатидан олдин овоз бергани тўғрисида ёзув киритилади.</p>	Муддатидан олдин овоз бериш куни	Хориждаги УСК
8-ҳаракат	<p>Сайловчилар рўйхатидан кўчирмага сайловчи томонидан имзо қўйилганидан кейин унга сайлов бюллетени берилади ва яширин овоз бериш тамойилига риоя килган ҳолда муддатидан олдин овоз бериш имконияти таъминланади.</p> <p>Бузиб қўйилган сайлов бюллетени сайловчининг илтимосига кўра янгисига алмаштирилиши мумкин. Бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари ҳисобга олиниши, овозларни санаб чиқиш жараёнида бекор килиниши (юкори чап бурчагини кесиш ёки сайлов бюллетенининг орқа томонида тегишли белги қўйиш йўли билан) ва алоҳида сақланиши лозим.</p>	Муддатидан олдин овоз бериш куни	Хориждаги УСК
9-ҳаракат	<p>Сайлов бюллетени сайловчи томонидан яширин овоз бериш имкониятини таъминлайдиган кўчма сайлов кабинаси ёки хонасида тўлдирилади. Сайлов бюллетенини тўлдириш вақтида сайловчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади.</p> <p>Сайловчи ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга «+» ёки «✓» ёхуд «x» белгисини кўяди.</p> <p>Сайловчи тўлдирилган сайлов бюллетенини кўчма сайлов қутисига ташлайди.</p>	Муддатидан олдин овоз бериш куни	Хориждаги УСК
10-ҳаракат	<p>Муддатидан олдин овоз бериш тугаганидан кейин сайловчилар ва кузатувчилар иштироқида хориждаги УСК аъзолари кўчма сайлов қутисини очиб, унинг ичидаги сайлов бюллетенларини санамасдан маҳсус қопга жойлади ва қопни бир марталик маҳсус пломба билан пломбалайди ва пломба рақами кўрсатилган ҳолда далолатнома (5-иловага мувофиқ) тузади.</p>	Муддатидан олдин овоз бериш куни	Хориждаги УСК, ОАВ, ФЎЎБОФМ Республика кенгashi
11-ҳаракат	<p>Сайловчиларнинг турган жойида муддатидан олдин овоз бериш тугаганидан кейин Хориждаги УСК томонидан белгиланган шаклдаги далолатнома тузилади. (МСКнинг 2019 йил 22 октябрдаги 966-сон қарори).</p>	Муддатидан олдин овоз бериш тугаганидан сўнг	Хориждаги УСК

	Далолатнома нусхаси ҳозир бўлган шахсларга уларнинг илтимосига кўра берилади. Фойдаланилмаган ва бузилган сайлов бюллетенлари далолатномага асосан хориждаги УСК раисига қайтарилади.		
<b>12-харакат</b>	Сайлов бюллетенлари солинган қоп пломбаланган ҳолда далолатнома билан Хорижий сайлов участкасига олиб борилади ва сайлов куни овозларни санаб чиқиш жараёни бошлангунга қадар сақланади.	Муддатидан олдин овоз бериш тугаганидан сўнг	Хориждаги УСК
<b>13-харакат</b>	Хориждаги УСК аъзолари муддатидан олдин овоз берган сайловчилар ҳақида СЯЭР га ўзgartiriш киритади.	Муддатидан олдин овоз бериш куни	Хориждаги УСК, АҚТ вазирлиги

#### **IV. Овоз бериш натижаларини аниқлаш**

<b>1-харакат</b>	Овозларни санаши бошлашдан олдин столлар бирлаштирилади, барча ёзув ашёлари (ручка, қалам ва бошқа воситалар) ҳамманинг эътиборига ҳавола қилинган ҳолда четга олиб қўйилади.	22 декабрь соат 20:00 дан сўнг (м.в.)	Хориждаги УСК, ОАВ, ФЎЎБОФМ Республика кенгаши
<b>2-харакат</b>	Сайлов қутиларидаги ва қоплардаги бир марталик пломбалардаги мавжуд рақамлар пломбалаш далолатномаларидағи рақамлар билан солиширилади.	22 декабрь соат 20:00 дан сўнг (м.в.)	Хориждаги УСК, ОАВ, ФЎЎБОФМ Республика кенгаши
<b>3-харакат</b>	Участка сайлов комиссиясининг раиси ёки раис ўринbosари комиссия аъзолари билан биргаликда муддатидан олдин овоз бериш бюллетенлари солинган ёпик конвертларни сайлов қутисига ташлайди.	22 декабрь соат 20:00 дан сўнг (м.в.)	Хориждаги УСК, ОАВ, ФЎЎБОФМ Республика кенгаши
<b>4-харакат</b>	Фойдаланилмаган ва бузилган сайлов бюллетенлари санаб чиқилади ва юкори чап бурчагини кесиш ёки сайлов бюллетенининг орқа томонида тегишли белги қўйиш йўли билан бекор қилинади, бу ҳақда овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомага тегишли ёзув киритилади.	22 декабрь соат 20:00 дан сўнг (м.в.)	Хориждаги УСК, ОАВ, ФЎЎБОФМ Республика кенгаши
<b>5-харакат</b>	Стационар сайлов қути ва муддатидан олдин овоз беришда фойдаланилган сайлов бюллетенлари солинган қопларни очишдан олдин комиссия аъзолари томонидан: – сайлов куни сайлов бюллетени олган сайловчилар сонини аниқланади; – муддатидан олдин овоз беришда сайлов бюллетени олган сайловчилар сони аниқланади.	22 декабрь соат 20:00 дан сўнг (м.в.)	Хориждаги УСК, ОАВ, ФЎЎБОФМ Республика кенгаши
<b>6-харакат</b>	Сайлов бюллетенлари олган сайловчилар сони умумлаштирилади. Якуний умумий маълумотларни комиссия раиси эълон қиласи. Сайлов бюллетенларини олган сайловчилар сони аниқлангандан сўнг овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомага киритилади.	22 декабрь соат 20:00 дан сўнг (м.в.)	Хориждаги УСК, ОАВ, ФЎЎБОФМ Республика кенгаши

<b>7-харакат</b>	Сайловчиларнинг яқуний рўйхати бўйича участкадаги сайловчиларнинг умумий сони аниқланади ва овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомага киритилади.	22 декабрь соат 20:00 дан сўнг (м.в.)	Хориждаги УСК, ОАВ, ФЎЎБОФМ Республика кенгаши
<b>8-харакат</b>	Сайлов участкаси томонидан олинган сайлов бюллетенларининг сони аниқланади ва овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомага киритилади	22 декабрь соат 20:00 дан сўнг (м.в.)	Хориждаги УСК, ОАВ, ФЎЎБОФМ Республика кенгаши
<b>9-харакат</b>	Стационар сайлов қути ва муддатидан олдин овоз беришда фойдаланилган сайлов бюллетенлари солинган қопларни очилади. Бюллетенлар стол устига тўкилади ва овоз беришда иштирок этган сайловчилар (сайлов қутидаги ва қоплардаги сайлов бюллетенлари) сони аниқланади. Хар бир номзод бўйича берилган овозлар алоҳида-алоҳида санаб чиқилади ва хар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сони аниқланади	22 декабрь соат 20:00 дан сўнг (м.в.)	Хориждаги УСК, ОАВ, ФЎЎБОФМ Республика кенгаши
<b>10-харакат</b>	Сайлов бюллетенининг ҳақиқийлиги шубҳа туғдирганда, масала участка сайлов комиссияси томонидан овозга қўйиш орқали ҳал этилади	22 декабрь соат 20:00 дан сўнг (м.в.)	Хориждаги УСК, ОАВ, ФЎЎБОФМ Республика кенгаши
<b>11-харакат</b>	Белгиланмаган шаклдаги (ҳажми, ранги, қофз сифати, босмахона шрифти ва хоказолар бўйича фарқланувчи) шунингдек, участка сайлов комиссияси томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқишида ҳисобга олинмайди ва ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Овоз бериш вақтида биттадан ортиқ квадратга “+” ёки “✓” ёхуд “x” белгиси қўйилган ёки битта ҳам квадратга бундай белгилар қўйилмаган сайлов бюллетенлари ҳам ҳақиқий эмас деб топилади. Улар саналиб, алоҳида боғлам қилиб ўралади ва уларнинг сони ёзиб қўйилади. Ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сони баённомага киритилади	22 декабрь соат 20:00 дан сўнг (м.в.)	Хориждаги УСК, ОАВ, ФЎЎБОФМ Республика кенгаши
<b>12-харакат</b>	Санаб чиқиш тугаганидан сўнг, сайлов бюллетенлари овоз берилган депутатликка номзодлар бўйича алоҳида-алоҳида боғлам қилиб ўралади. Боғламда номзоднинг исми, фамилияси ва отасининг исми ёзилиб, овозлар сони кўрсатилади.	22 декабрь соат 20:00 дан сўнг (м.в.)	Хориждаги УСК, ОАВ, ФЎЎБОФМ Республика кенгаши
<b>13-харакат</b>	Овоз бериш натижалари комиссия мажлисида кўриб чиқилади ва овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённомада акс эттирилади.	22 декабрь соат 20:00 дан сўнг (маҳаллий вақт билан)	Хориждаги УСК, ОАВ, ФЎЎБОФМ Республика кенгаши

<b>14-харакат</b>	<p>Овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённома тузилади (Баённома бланкаси МСК томонидан етказиб берилади).</p> <p>Хориждаги УСК сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш натижалари хақидаги баённомани тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қиласди.</p> <p>Шундан кейин комиссия аъзолари томонидан овозларни санаб чиқиш натижалари хақидаги баённома имзоланади ва УСК муҳри билан тасдиқланади.</p> <p>Баённома УСК раиси ёки раис ўринбосари томонидан ўқиб эшиттирилади ҳамда мазкур баённоманинг кўчирма нусхаси ҳамма танишиб чиқиши учун участка сайлов комиссияси биносига камида қирқ саккиз соат муддатга дарҳол осиб қўйилади.</p> <p>УСК баённомасининг кўчирма нусхаси ҳимояланган каналлар орқали ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда дарҳол тегишли округ сайлов комиссиясига тақдим этилади.</p>	22 декабрь соат 20:00 дан сўнг (маҳаллий вақт билан)	Хориждаги УСК, ОАВ, ФЎЎБОФМ Республика кенгаши
-------------------	--	--	--

#### **V. Хориждаги УСКларнинг ҳужжатларини архивга топшириш**

<b>Сайловга оид ҳужжатларни топшириш</b>	Хориждаги УСКнинг сайлов ўтказиш билан боғлиқ барча ҳужжатлари, жумладан овозларни санаб чиқиш натижалари тўғрисидаги баённоманинг асл нусхаси, сайлов бюллетенлари, сайловчилар Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик идораларига топширилади.	Тегишли сайлов округи бўйича сайлов тугаганидан 10 кун ичида	Хориждаги УСК
<b>Сайловга оид ҳужжатларни етказиб бериш</b>	Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик идоралари сайловга оид ҳужжатларни хориждаги сайлов участкаси бириктирилган округ сайлов комиссиясига архивга топшириш учун етказиб беради.	Тегишли сайлов округи бўйича сайлов тугаганидан 10 кун ичида	Хориждаги УСК, МСК Котибиати

#### **Изоҳ.**

1. Хорижий давлатлардаги Ўзбекистон Республикасининг дипломатик ва бошқа ваколатхоналарида очилган участка сайлов комиссиялариниг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2019 йил 23 июлдаги 924-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашилари га сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссиялариниг фаолияти тартиби тўғрисидаги Низом ҳамда 2019 йил 22 октябрдаги 966-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари ҳузурида сайлов участкаларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низом билан тартибга солинади.

2. Мазкур Ҳаракатлар режасидан белгиланмаган масалалар амалдаги сайлов қонунчилигига мувофиқ хориждаги УСК томонидан ваколати доирасида қабул қилинадиган қарорлари билан тартибга солинади.

3. Мазкур Ҳаракатлар режаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши билан қелишилган.

**Ўзбекистон Республикаси  
Ташқи ишлар вазири**

**А. Камилов**

2019 йил «26» ноябрь

**Ўзбекистон Республикаси  
Ахборот технологиялари ва  
коммуникацияларини  
ривожлантириш вазири**

**Ш. Содиков**

2019 йил «26» ноябрь

**Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси  
ҳузуридаги Давлат  
персоналлаштириш маркази  
директори**

**Н. Тураходжаев**

2019 йил «26» ноябрь

**Фуқароларнинг ўзини ўзи  
бошқариш органлари  
фаолиятини  
мувофиқлаштириш бўйича  
Республика кенгаши раиси**

**Ш. Жавлонов**

2019 йил «26» ноябрь